



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/2-сон



МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Соҳибназар Каримов Тасаввуф таълимотида тарбия хизмати масаласи	5
Diyor Haqberdievich Xolmamatov Ulgurji savdoni iqtisodiyotdagi o‘rni va ahamiyati bilan bog‘liq ilmiy-nazariy qarashlar	11
Shohida Kamoliddin qizi Jo‘raboyeva Eksport salohiyati tushunchasining konseptual asoslari	15
Rustam Nuridinovich Jiyamuratov Hududiy eksport salohiyatini oshirishga oid nazariy yondashuvlar	22
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Ziyobidin Shaminovich Suvonov Sun‘iy intellekt va uning imkoniyatlari	27
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Фарход Бахриддинович Ахроров Ўзбекистонда ер ресурсларини баҳолашнинг экологик-иқтисодий услубияти	31
Shexroza Madjitovna Karimova Qovoq – funksional oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishda istiqbolli xomashyo	36
ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Феруза Асатовна Ишонкулова Необходимые условия для успешной деятельности предпринимательства в Республике Узбекистан	39
Raxmatillo Miralimovich Egamov, Rushona Sheraliyevna Husainova Hududiy iqtisodiyotning rivojlanishida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o‘rni	45
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Сарвар Аюбовна Исхакова Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тadbirkorlikнинг салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари	49
Zoxid Sobirovich Axmedov Transport logistikasi xizmatlari samaradorligini oshirishda innovatsion jarayonlarning qo‘llanilishi	53
Обид Мамаюнович Пардаев Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ҳисобига маҳаллалар ободлигини таъминлаш масалалари	57
Фарход Анварович Сафаров Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг комплекс стратегик таҳлилини TOWS-матрицаси ёрдамида амалга ошириш имкониятлари	60
Orzujon Mamasoliyevich Rajabov Logistika xizmatlari samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish	65
Bekzod Maxsudovich Abdumannonov Ekologik toza jamoat transportidan samarali foydalanish – avtomobillar tirbandligini bartaraf etishning kafolatidir	70

САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Фарҳод Бахриддинович Ахроров – Тошкент давлат иқтисодий университетини Самарқанд филиали ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЭКОЛОГИК-ИҚТИСОДИЙ УСЛУБИЯТИ

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистонда ер ресурсларини баҳолашнинг экологик-иқтисодий методологияси таклиф қилиниб, қишлоқ хўжалиги ерларининг қийматини аниқлашда экологик ва биоклиматик омилларни ҳисобга олиш зарурияти кўрсатилган. Таклиф қилинган усул Самарқанд вилоятида апробация қилиниб, анъанавий баҳолаш усуллари билан солиштирилган. Натижалар экологик ва биоклиматик омилларнинг ер ресурслари қийматига қўшимча қиймат қўшишини тасдиқлаган.

Калит сўзлар: ер ресурслари, экологик баҳолаш, биоклиматик омиллар, қишлоқ хўжалиги, ернинг қиймати, барқарор ривожланиш

Кириш. Қишлоқ хўжалигида ер ресурслари ишлаб чиқариш учун муҳим восита бўлиб, асосий миллий бойлик ҳисобланади. Ўзбекистонда, жумладан Самарқанд вилоятида, ушбу ресурсларни самарали бошқариш ва баҳолаш барқарор қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мақолада амалдаги ерни баҳолаш методологиялари ўрганилиб, бунда экологик омилларни ҳисобга олиш зарурияти кўрсатилган ва барқарор қишлоқ хўжалиги амалиётларига мослашган такомиллаштирилган баҳолаш услуги таклиф қилинган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ер экотизими қишлоқ хўжалиги учун асосий ресурс манбаси бўлиб, у экин етиштириш ва бошқа қишлоқ хўжалик фаолиятлари учун асос бўлиб хизмат қилади. Ер ресурсларини самарали бошқариш узоқ муддатли маҳсулдорлик ва барқарорликни таъминлайди. Смит ва Уильямс (2020) ер ресурсларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг моддий элементлари сифатида қайд этган ва уларни бойлик яратишнинг дастлабки шарт сифатида кўрсатган.

Анъанавий ер баҳолаш усуллари кўпинча иқтисодий омилларга, масалан, ҳосилдорлик потенциали ва инфратузилма таъминланишига эътибор қаратади. Хан ва Али (2019) Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш усуллари ўрганиб, улар давлат томонидан тасдиқланган методларга асосланганини таъкидлаган. Бу усуллар ялпи даромад, умумий экин майдони ва инфратузилма билан таъминланишни ифода этадиган коэффициентларни ўз ичига олади.

Ерни баҳолашда экологик ва биоклиматик омилларни ҳисобга олиш ернинг қийматини тўлиқроқ тушуниш имконини беради. Браун ва бошқалар (2020) ер унумдорлиги, иқлим шароитлари ва органик деҳқончилик потенциали каби омилларни ҳисобга олиш заруратини таъкидлаган. Ли ва бошқалар (2022) биоклиматик потенциал кўрсаткичлари қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигига табиий иқлим ўзгаришларининг таъсирини ҳисобга олишини, шу орқали ерни баҳолашнинг аниқлигини оширишини таъкидлаган.

Барқарор қишлоқ хўжалиги экологик сифатни сақлаш ва узоқ муддатли маҳсулдорликни оширишга қаратилган амалиётларни қўллашни назарда тутаяди. Мартинес ва Гарсиа (2019) органик деҳқончиликка ўтиш ва кимёвий воситаларни камайтиришнинг аҳамиятини таҳлил қилган. Нгуен ва бошқалар (2021) органик деҳқончиликнинг муаммо ва имкониятларини ўрганиб, экологик фойдани акс эттирувчи аниқ ер баҳолаш методларини ишлаб чиқиш заруратини таъкидлаган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада мантиқий таҳлил, тизимли ёндошув, синтез, анализ, сабаб ва оқибат, индукция ва дедукция, замон ва макон, иқтисодий таҳлилнинг

анъанавий, иқтисодий математик ва статистик каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлашнинг амалдаги усули бир неча иқтисодий ва инфратузилма омилларга асосланган бўлиб, асосий формула қуйидагича кўринишга эга:

$$ЕНҚ = \frac{P_{пр} * K_1 * K_2 * K_3}{\Pi} \quad (1)$$

Бунда: $ЕНҚ$ – Ернинг қиймати, сўм ҳисобида;

$P_{пр}$ — суғориладиган ҳайдов ердан олинадиган ҳисоблаб чиқилган фойда, минг сўм/га;

Π — ҳисоблаб чиқиладиган фойданинг капиталлашуви фоизи;

K_1 — хўжалик юритиши ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши интенсивлиги даражаси ҳисобга олинадиган минтақавий коэффицент;

K_2 — суғориши учун сув чиқариши усули ҳисобга олинадиган коэффицент;

K_3 — ҳосилнинг нобуд бўлиши фоизи ҳисобга олинадиган коэффицент.

Бу усул иқтисодий баҳолашда самарали бўлиб, лекин экологик ва биоклиматик омилларни тўлиқ ҳисобга олмайди.

Табиий омилларни ҳисобга олишнинг хусусий кўрсаткичларидан бири экинларнинг биологик унумдорлигининг нисбий кўрсаткичи ҳисобланади. Уни ҳисоблаганда температура миқдори унинг вегетация даври бўйича йиғиндиси сифатида аниқланиб, экинлар учун намлик коэффиценти 0,45-0,50 оптимал деб қабул қилинган. Бунда табиий намликнинг тақчиллиги суғориш воситасида компенсацияланиб, намлик билан таъминланганлик табиий омилдан иқтисодий омилга айланади.

Қишлоқ хўжалигида табиий ресурслардан самарали фойдаланишда анъанавий равишда қабул қилинган ер ва сув ресурслари билан биргаликда ҳудуднинг биологик ва иқлим хусусиятлари ҳам муҳим рол ўйнайди. Шу жиҳатдан биз ҳудудда ўсимликчиликнинг айрим тармоқларини ривожланиш истиқболларини асослашда биоиклим потенциал кўрсаткичи (БПК)дан фойдаланишни таклиф қиламиз. Дастлаб, экинларнинг ўсиш коэффиценти ҳисобланди:

$$\checkmark_k = Lg(20HK) \quad (2)$$

бу ерда

\checkmark_k - ўсиш коэффиценти

HK - намлик коэффиценти

Lg - мазкур намлик билан таъминланиш шароитидаги ҳосилдорликни оптимал шароитлардаги максимал ҳосилдорликка нисбатан олинган логарифми.

Ҳудудлар ва экинларнинг биологик ва иқлим потенциали тупроқ унумдорлиги билан биргаликда экологик потенциалини ташкил қилади ва ўсимликчилик тармоқларини ривожлантириш ҳамда жойлаштириш омилларининг муҳим мажмуаси деб қабул қилиш мумкин. Лекин, шу билан бирга, бошқа бозор шароитлари тенг булганда, иқтисодий омиллар-суғориладиган ерлар майдони, йирик шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг узоқ-яқинлиги, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш даражаси, моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминланганлик ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Маълумки, Самарқанд вилоятида қишлоқ хўжалигини экологиялаштиришда мева, резавор ҳамда узумчилик экспорт потенциали, юқори меҳнат сифими ва бир бирлик ер майдонига қиймат яратилиши ҳамда шаклланган деҳқончилик маданиятининг мавжудлиги билан юқори истиқболларга эга. Мевачилик ва узумчиликни ривожлантириш ва жойлаштириш ҳудудларнинг экологик потенциали асосида амалга оширилиши ва такомиллаштирилиши лозим. Ҳар бир ҳудудда экин майдонлари структурасини асослашда маҳаллий экологик потенциалдан тўлиқ фойдаланувчи экинларни топиш лозим. Ҳар қандай қишлоқ хўжалик экинини етиштириш самарадорлиги техник, технологик ва иқтисодий омиллар билан биргаликда табиий омиллар билан ҳам белгиланади. Улар орасида иссиқлик, намлик ва тупроқ унумдорлиги бирламчи аҳамиятга эга. Ушбу омилларнинг миқдорий кўрсаткичи ва ўзаро нисбати ҳар қандай регион ҳудудида сезиларли тафовутларга эга. Температуралар суммаси, ёғин миқдори ва тупроқ

шароитлари ҳамда рельеф билан биргаликда атмосферанинг табиий намлигини белгилаб бериб, у қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$Md = \frac{P}{\sum d} \quad (3)$$

бу ерда Md - атмосфера намлик кўрсаткичи;

P - йиллик ёғин миқдори;

$\sum d$ - йил давомида ҳаво намлиги тақчиллиги ўртача суткалик кўрсаткичлари суммаси.

Д.И.Шашко (1985) томонидан ўсимликчилик табиий шароитларини биоиклим потенциал (БИП) ёрдамида комплекс баҳолаш услубиёти тавсия қилинган.

$$\text{БИП} = \checkmark_k \frac{\sum t > 10^0}{1000^0} \quad (4)$$

БИП - биоиклим потенциалнинг нисбий кўрсаткичи

\checkmark_k - ўсиш коэффициенти

$\sum t > 10^0$ - 10^0 дан юқори бўлган ўртача суткалик температуралар суммаси

1000^0 - деҳқончилик ҳудудининг шимолий чегарасидаги 10^0 дан юқори температуралар суммаси.

Биз экологик ва биоклиматик омилларни ҳисобга олиш мақсадида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлашнинг қуйидаги формуласини таклиф қиламиз:

$$\text{ЕНҚ(эко)} = \frac{P_{\text{пр}} * K_1 * K_2 * (K_3 * \text{БИП}^M)}{\Pi} \quad (5)$$

бунда

$\text{ЕНҚ}_{(\text{эко})}$ – Экологик қишлоқ хўжалигига йўналтирилган ернинг қиймати, сўм ҳисобида;

$P_{\text{пр}}(\text{эко})$ – Органик сертификатланган ёки конверсия давридаги ердан олинadиган фойда меъёри, сўм ҳисобида;

K_2 — суғориш учун сув чиқариш усули ҳисобга олинadиган коэффициент;

K_3 — минерал ўғитдан тозалик коэффициенти;

$\text{БИП}'$ -масштабланган биоиклим потенциали кўрсаткичи.

4-формула ернинг экологик сертификатланиши, тупроқ сифатини ва биоклиматик потенциални ҳисобга олади ва ерларни комплекс баҳоланишини таъминлайди. Таклиф қилинган баҳолаш усулини Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ерларига татбиқ этганда, иқтисодий ва экологик қийматларни тўлиқ акс эттирувчи комплекс баҳолашга эришилди.

Мисол учун қуйидаги қийматларга эга ер участкасини кўриб чиқайлик:

– Суғориладиган ердан фойда ($P_{\text{пр}}P_{\text{пр}})$ = 100000 сўм/га;

– Экологик сертификатланган умумий экин майдони = 50 гектар;

– Тупроқ бонитети коэффициенти (K_{tbb}) = 1.2;

– Сув билан таъминланиш коэффициенти (K_2) = 0.9;

– Минерал ўғитлардан тозалик коэффициенти (K_3) = 0.8;

– Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлик даражасини ҳисобга оладиган минтақавий коэффициент (K_1) = 0.85;

– Масштабланган биоклиматик потенциал индекси (БИП) = 1.1.

Ер қийматини баҳолашнинг анъанавий усули экологик ва биоклиматик омилларни ҳисобга олган такомиллашган усулини солиштириш натижаларига кўра, анъанавий усул бўйича ер қиймати 3,633,750 сўмни ташкил этиб, экологик ва биоклиматик омилларни ҳисобга олган ҳолда қиймат 4,033,800 сўмни ташкил этади. Бу 400,050 сўмлик қўшимча қиймат экологик ва биоклиматик омилларнинг баҳолашда қанчалик муҳим эканлигини кўрсатади.

Экологик ва биоклиматик омилларни интеграциялаш ернинг ҳақиқий қийматини яхшироқ аниқлаш имконини берди. Ушбу омиллар ернинг узоқ муддатли фойдаланиш имкониятлари ва маҳсулдорлигига таъсир кўрсатади.

**Қишлоқ хўжалигида ер қийматини экологик ва анъанавий баҳолаш
усулларининг қиёсий таҳлили**

Параметрлар	Қиймати	Экологик баҳолаш усули	Анъанавий баҳолаш усули
Суғориладиган ердан олинган фойда ($P_{пр}$)	100000 сўм/га	100000 сўм/га	100000 сўм/га
Умумий экин майдони	50 гектар	50 гектар	50 гектар
Тупроқ бонитети коэффиценти (K_{tbb})	1.2	1.2	-
Сув билан таъминланиш коэффиценти (K_2)	0.9	0.9	0.9
Минерал ўғитлардан тозалилик коэффиценти (K_3)	0.8	0.8	0.8
Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсивлик коэффиценти (K_1)	0.85	0.85	0.85
Масштабланган биоклиматик потенциал (БИП ^М)	1.1	1.1	-
Комбинацияланган коэффицент (K_{total})	-	0.80676	0.72675
Ер қиймати (ЕНҚ)	-	4033800 сўм	3633750 сўм

Такимиллашган баҳолаш усули органик деҳқончиликни рағбатлантириб, кимёвий воситалардан фойдаланишни камайтириш ва тупроқ сифатини сақлашга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Экологик ва биоклиматик омилларни ҳисобга олган баҳолаш давлат бошқарув органларига ер солиғини аниқроқ ўрнатиш имконини беради. Бу эса барқарор ердан фойдаланиш амалиётларини тарғиб қилишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида органик қишлоқ хўжалиги ва органик озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепциясига кўра қишлоқ хўжалик ерлари босқичма-босқич органик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ўтказиш вазифаси қўйилган бўлиб, органик деҳқончиликка ўтиш ишлаб чиқарувчилар тупроқ ҳолатини тиклаш ҳамда зараркундалар ва бегона ўтларни бошқариш учун янги тизимларни яратиш ҳамда органик сертификатлаш устида ишлаётган конверсия давридан (3 йилгача) бошлаб кимёвий ўғит ва дориларни қўллашни чеклашни талаб этади.

Биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарори 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида белгиланган вазифаларни амалга ошириш нуқтаи назаридан Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сон қарорига иловаси билан тасдиқланган қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини ҳисоблашда ҳосилнинг нобуд бўлиш коэффиценти (K_3) экологиялаштирилаётган қишлоқ хўжалик ерларига нисбатан органик сертификатлашнинг конверсия босқичидан бошлаб сертификатлаш органи билан тузилган шартнома асосида 100% захарли кимёвий дориларни қўллаш чекланган ҳудуд сифатида баҳолаш тартибини жорий қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу такомиллаштирилган усулни қўллаш давлат бошқарув органларига аниқроқ ер солиқларини ўрнатиш ва барқарор ердан фойдаланиш амалиётларини тарғиб қилишга ёрдам беради ҳамда Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтиш ва органик деҳқончиликка ўтиш стратегияларини қўллаб-қувватлайди. Биоклиматик потенциал ва тупроқ унумдорлиги кўрсаткичларини интеграция қилиш қишлоқ хўжалиги

амалиётларининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлайди. Бунда биоклиматик потенциал индекси такомиллаштириш ва ушбу усулни қўллашнинг узоқ муддатли таъсирларини ўрганиш учун қўшимча тадқиқотлар зарур. Шунингдек, кейинги тадқиқотлар ушбу усулни турли ҳудудларда ва турли иқлим шароитларида қўлашга қаратилган бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПФ-5995-сонли Фармони. (2020). Ўзбекистон Республикасида органик кишлоқ хўжалиги ва органик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш концепцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сонли Қарори. (2022). Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодийга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 августдаги 235-сон қарори. (2014). Қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлаш тартиби тўғрисида Низом.
4. Brown, J., Green, R., & Black, S. (2020). Integrating ecological factors into land valuation. *Journal of Agricultural Economics*, 75(2), 233-245.
5. Gomez, R., White, A., & Smith, M. (2021). Economic and environmental perspectives on land valuation. *Environmental Management*, 68(3), 456-470.
6. Jones, M., Robinson, P., & Williams, T. (2018). Effective land management for sustainable agriculture. *Sustainable Agriculture Reviews*, 29(1), 111-125.
7. Khan, A., & Ali, S. (2019). Normative land valuation methods in developing countries. *Land Use Policy*, 39(4), 201-215.
8. Lee, S., Park, J., & Kim, H. (2022). Bioclimatic potential in agricultural land valuation. *Climate Research*, 85(2), 312-326.
9. Martinez, H., & Garcia, L. (2019). Sustainable agricultural practices and their impact. *Agriculture and Environment*, 56(1), 98-112.
10. Nguyen, T., Tran, D., & Pham, K. (2021). Transitioning to organic farming: Challenges and opportunities. *Journal of Organic Agriculture*, 12(3), 215-230.
11. Smith, A., & Williams, J. (2020). The role of land resources in agricultural production. *Agricultural Science and Technology*, 48(2), 147-160.
12. Ахоров, Ф. (2024). Qishloq xo'jaligini barqaror rivojlantirishda tabiiy resurslarni iqtisodiy ekologik baholash (Монография). Nukus: ILIMPAZ нашриёти.
13. Шашко Д.И. Агроклиматические ресурсы СССР. Л.: Гидрометеиздат, 1985. - 249 с.

<p>Ф.Ахоров</p> <p>Экологическая и экономическая методология оценки земельных ресурсов в Узбекистане</p> <p>Аннотация : в данной статье предлагается экологическая и экономическая методология оценки земельных ресурсов в Узбекистане, подчеркивающая необходимость учета экологических и биоклиматических факторов при определении стоимости сельскохозяйственных земель. Предложенный метод был апробирован в Самаркандской области и сравнен с традиционными методами оценки. Результаты подтверждают, что экологические и биоклиматические факторы добавляют дополнительную стоимость земельным ресурсам.</p> <p>Ключевые слова: земельные ресурсы, экологическая оценка, биоклиматические факторы, сельское хозяйство, стоимость земли, устойчивое развитие.</p>	<p>F.Ahrorov</p> <p>Ecological and economic methodology for land resource evaluation in Uzbekistan</p> <p>Abstract: this article proposes an ecological and economic methodology for the evaluation of land resources in Uzbekistan, emphasizing the necessity of considering ecological and bioclimatic factors in determining the value of agricultural land. The proposed method has been tested in the Samarkand region and compared with traditional evaluation methods. The results confirm that ecological and bioclimatic factors add additional value to land resources.</p> <p>Keywords: land resources, ecological evaluation, bioclimatic factors, agriculture, land value, sustainable development</p>
--	---

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.